Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 13 июль, шанба • № 55 (10.830) • Эркин нархда сотилади

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 11 июль куни Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан Клод Ришарни қабул қилди.

Элчи Жан Клод Ришар Ўзбекистон давлат раҳбарига Франция Республикаси Президенти Жак Ширакнинг шахсий номасини топширди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги муносабатларнинг тобора ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 июль куни Бельгия қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси М. Адамни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Президент Ислом Каримов М. Адамнинг Ўзбекистондаги элчилик фаолияти ғоят самарали ўтганини қайд этар экан, Ўзбекистон-Бельгия муносабатлари мустаҳкамланишида унинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлади.

М. Адам қабул учун Президентга миннатдорчилик билдирар экан, ўзининг Ўзбекистондаги элчилик фаолияти ғоят қизиқарли ва самарали бўлганидан мамнун эканлигини изҳор этди. Кўнглида бу серқуёш юрт, унинг бағри кенг халқига нисбатан муҳаббати янада ошганини таъкидлади.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ОЛИЙ ТАЪЛИМГА — КАТТА ҒАМХЎРЛИК

***Кенг жамоатчилик томонидан мамнунлик билан кутиб олинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1996—97 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида»ги қарорида олий таълимга бўлган катта ғамхўрлик ўз ифодасини топди.***

*Муносабат*

Нафақат олий ўқув юртлари, балки, мамлакатимиз ҳаётида катта аҳамият касб этган мазкур қарор республикамизда ҳамма соҳалар бўйича билимдон мутахассислар тайёрлаш, абитуриентларни танлашни сифатли амалга ошириш, ўқитувчи кадрларни ижтимоий муҳофазалашни кўзда тутган бугунги кун руҳидаги ҳужжатдир. Маълумки, кейинги йиллар мобайнида республикамизнинг 58 та олий ўқув юртида билим олаётган 30 минг нафардан ортиқ ёшлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўпгина самарали тадбирлар амалга оширилди. Ётоқхоналарда талабаларга қулай имкониятлар яратиб берилди. Уларнинг стипендиялари изчил равишда оширилиб борилди. Қатор олий ўқув юртлари моддий базаси мустаҳкамланиб, анчагина институтлар университетларга айлантирилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига мувофиқ 1996—97 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларида ўқитиш учун 23 минг давлат грантлари белгиланди. Яъни бу талабаларни молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор кескин ортганлигидан далолатдир. Бу рақам ўтган йилдагидан анча кўп. Илгари бундай грантларнинг 80 фоизи давлат бюджетига эга бўлиб, 20 фоизи эса тўловлар асосида эди. Эндиликда давлат ҳисобидан ўқийдиганлар сони кўпайди. Ана шу ғамхўрлик талабаларнинг юқори малакага эга бўлишларида катта аҳамият касб этади.

Эндиликда фақат ташкилотлар, корхоналар, жамоа хўжаликлари эмас, балки фуқаролар ҳам олий ўқув юртларида ўқиш учун тўловли шартномалар туза оладилар. Фақат абитуриентлар тест синовларида белгиланган баллни тўпласалар бас.

Айни пайтда қарор олий таълимни такомиллаштириш, ўқув сифатини ошириш, олий ўқув юртлари ректорларига ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш учун кенг имкониятлар яратиб бериши билан ҳам алоҳида аҳамиятлидир.

Қарорга мувофиқ олий ўқув юртлари ректорлари бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан, профессор ўқитувчиларга юқори малакаси учун бир окладгача миқдорда табақалаштирилган тарзда ҳар ойда устама ҳақ белгилай оладилар.

Ҳужжатда кўпчиликни қувонтирадиган ва диққатини тортадиган яна бир банд бор. Бу олий ва ўрта мактабни интеграциялашни чуқурлаштириш, ўқув жараёнини такомиллаштириш, янги турдаги таълим муассасаларини ташкил этиш учун мактаблар негизида ҳаммуассислик ҳуқуқлари билан ҳар бир олий ўқув юрти ҳузурида учтадан қўшма умумтаълим мактаблари — битта бизнес мактаби, битта ихтисослаштирилган лицей, битта гимназия ташкил этишдир. Бу мактаб ўқувчиларида кичик ёшиданоқ маълум бир соҳага қизиқиш уйғотиш, уларнинг иқтидорини аниқлаб, қобилиятини ривожлантириб бориш имкониятини беради.

Мазкур қарор олий таълимни ислоҳ қилиш йўлидаги хайрли қадам сифатида нафақат олий ўқув юртлари ҳаётида, балки, ҳуқуқий давлат қуриш йўлини танлаган халқимиз ҳаётида ҳам катта аҳамиятга эга бўлади.

**Саидвали ҲАСАНОВ.**

*ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ*

## ЯНАДА ЯХШИРОҚ ИШЛАШИМИЗ КЕРАК

***10 июль куни Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятни ижтимоий, иқтисодий ривожлантиришнинг 1996 йил биринчи ярим йиллиги якунлари таҳлил этилиб, навбатдаги вазифалар муҳокама қилинди.***

***Йиғилишни вилоят ҳокими Эркин Рўзиев бошқариб борди.***

***Фаоллар йиғилишида вилоят ҳокимининг муовинлари, вилоят ҳокимлиги бўлим, бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, истиқболни белгилаш ва статистика бўлимлари, солиқ, банк тизими ходимлари иштирок этдилар.***

***Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармаси бошлиғи — вилоят ҳокимининг муовини Бахтиёр Ҳосилов маъруза қилди. Масалани муҳокама этишда вилоят солиқ бошқармасининг бошлиғи Раҳим Усмонов, Олмалиқ шаҳар ҳокими Юрий Беланов, Бекобод шаҳар ҳокими Жалолиддин Насриддинов, Янгийўл шаҳар ҳокими Шуҳрат Қорабоев ва бошқалар сўзга чиқдилар.***

***Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг биринчи муовини Мамаризо Нурмуродов иштирок этди.***

***Фаоллар йиғилишида республика истиқболни белгилаш ва статистика қўмитаси раисининг муовини Галина Каримова сўзга чиқди.***

***Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.***

РЕСПУБЛИКАМИЗ Президенти Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг асосий вазифалари ва устивор йўналишлари ҳақида тўхталар экан, энг муҳим-тўртта масалага алоҳида урғу берган эдилар.

Уларнинг биринчиси — давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш, иккинчиси-ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, корхоналар, тармоқлар, умуман, давлатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига эришиш, учинчиси-миллий валюта — сўм қувватини яна ҳам мустаҳкамлаш, тўртинчиси-иқтисодиётимиз структурасини тубдан ўзгартириш, хом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифатини ва рақобатбардошлилигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш вазифалари эди.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг биринчи ярим йиллик якунлари таҳлил этилган фаоллар йиғилишидаги ҳисобот ва музокараларда сўзга чиққанларнинг фикр-мулоҳазалари мамлакатимизда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ана шу вазифалар ва йўналишлар аста-секин, босқичма-босқич муваффақиятли амалга оширилаётганлигини яққол кўрсатди.

Масалан, биргина Тошкент вилоятида ўтган ярим йилда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, хусусийлаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, энг муҳими, ҳамма соҳада ишлаб чиқариш суръатларини барқарорлаштириш борасида катта ишлар қилинди. Бугунги кунда вилоятдаги нодавлат секторда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 83,3 фоизга етди. Бу корхоналарда салкам 350 минг киши меҳнат қилмоқда. Хусусий корхоналар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 382 тага кўпайди. Ўтган ярим йилда 1860 та хусусий корхоналарда 790 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Корхоналарни акционерлик жамиятларига айлантириш жадал бораяпти. Бугунги кунда 365 та ана шундай жамиятлар ишлаб турибди. Олти ойда уларга тегишли 115 миллион сўмлик қимматбаҳо қоғозлар сотилди. Ярим йилда 62 марта ўтказилган кимошди ва биржа савдоларида 546 та кўчмас мулк объектлари, уй-жой участкалари, корхоналар сотилди. Уларнинг умумий қиймати 82,9 миллион сўмни ташкил этди. Сўнгги вақтда аҳолига ер участкалари майдонлари сотиш кенгайиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Ярим йилда 258 та ер участкаси ўз эгасини топди.

Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ислоҳотларни амалга оширишда энг муҳим масалалардан биридир. Бу ишларнинг бизнес режаларига эга бўлган тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратиш йўли билан ривожлантирилаётганлиги энг тўғри йўл бўлди. Вилоятда ана шундай пухта режаларга эга бўлган 16 та акционерлик жамиятлари ўрганиб чиқилиб, уларнинг 15 тасига 207,8 миллион сўм миқдорида кредит ажратиш учун тавсиянома берилди. Ҳозиргача уларнинг 5 тасига 86 миллион сўм кредит ажратилди.

Республика Президентининг «Ўзбекистонда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонига асосан вилоятдаги туман ва шаҳарларда шундай палаталарнинг тузилганлиги ҳам эътиборга лойиқдир. Бу палаталар тадбиркорларни қўллаб-қувватлабгина қолмай, бизнес-режалар тузишда ҳам кўмак бермоқдалар.

Ана шу дастурлар асосида вилоятда «Корхона-маҳалла» услуби асосида иқтисодий худудлар ташкил этилмоқда. Ҳозирги кунда вилоятда 7 та ана шундай худуд иш бошлади. Мазкур маҳаллалардаги ишчи кучларини фойдали меҳнатга сафарбар этишда юқоридаги йўналиш катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Олмаликдаги «Тафтинг» акционерлик жамияти ташкил этган иқтисодий худудда йилнинг ярмида 1 миллион 620 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги фикримизни яққол исботлаб турипти. Вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ана шундай иқтисодий худудлар кенгайиб бормоқда.

Хусусийлаштириш, мулкни эгасига бериш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш беистисно ҳамма соҳада ривожланиб бораяпти. Етакчи тармоқ — қишлоқ хўжалигида бугунги кунда 2238 та деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларга салкам 30 минг гектар майдон ажратиб бе-

**(Давоми 2-бетда).**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ:

*воқеалар, хабарлар, янгиликлар*

### ТАДБИРКОР БОЗОРЧА ҚУРМОҚЧИ

ЧИНОБОДЛИК табиркор Раҳим Жуматоев қишлоқ марказида шарқона услубда чиройли ошхона қурди. Унинг хизматидан хўрандалар мамнун. Ошхона ёнида гўшт дўкони, новвойхона ишлаб турипти. Тадбиркор аҳоли талабини инобатга олиб, шу ерда бозорча қуришга ҳам аҳд қилди. Бир неча раста ўрнатиб, устини ёпиб, атрофини обод қилмоқчи. Яқин келажакда қишлоқ аҳли рўзғорига керакли барча маҳсулотларни шу ерда харид қилишлари мумкин бўлади.

**Абдухамид ФОЗИЛОВ,**
**Қибрай тумани.**

### ЎЗАРО ШАРТНОМА АСОСИДА

Дала ва боғларда пишиқчилик, анвойи мевалар ғарқ пишган, 160 гектар ердаги олмазор боғда ишлар авжида. Элликка яқин одам эртаки олмаларни сархиллаб теряпти. Ижарачи Одил Раззоқов Янгийўлдаги консерва заводи билан шартнома тузиб, етиштирган меваларни шу корхонага топширишни зиммасига олди. Тамила Алимардонова, Юсуф ва Тохир Алимардоновлар бошлиқ бригадаларда ҳам ёзги ишлар қизғин боряпти. Боғбонлар консерва заводига 320 тонна олма, 60 тонна беҳи топширишни режалаштирган. Булардан ташқари Тошкент шаҳар меҳнаткашлари дастурхонига ҳам турли хил анвойи мевалар етказиб беришмоқчи. Ҳамза тумани савдо ташкилоти ўзаро фойдали шартнома асосида «Гулистон» жамоа хўжалиги боғбонларига чой, ун, шакар, макарон ва бошқа хил маҳсулотларни етказиб берди.

**Хусанбой АВВАЛОВ,**
**Бўка тумани.**

### «МИРЗО ОТА» КЕНГАЙМОҚДА

***ОҲАНГАРОН туманидаги Қорабоғ қишлоғида «Мирзо ота» деҳқон-фермер хўжалиги ташкил топгач, дастлаб 18 нафар, ҳозирги кунга келиб эса 22 киши ишли бўлди.***

Бозор талаблари асосида иш юритаётган чорвадорлар 6 ой давомида истеъмолчиларга шартнома асосида 35 тонна сут етказиб бердилар.

Жамоанинг Ф. Тошбоев, Р. Ярашов, М. Умаров каби аъзолари қишловга мўл-кўл озуқа жамғариш учун астойдил меҳнат қилаяптилар. Шу кунгача 120 тонна беда, 30 тонна пичан жамғарилди.

«Мирзо ота»нинг 64 гектар ери, 2 та трактори, банкдаги ҳисоб рақамида эса 100 минг сўмдан ошиқ пули бор.

**Теша ШЕРАЛИЕВ.**

### ҚУШХОНА ИШГА ТУШДИ

АНГРЕН каттагина шаҳар, унинг бағрида бир юз ўттиз минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Уларни гўшт маҳсулотлари билан марказлашган усулда таъминлаш аллақачонлар барҳам топди. Бу иш хусусий чорвадорлар зиммасига ўтди. Гўштнинг кўп-кам бўлиши, асосан, уларга боғлиқ бўлиб қолди. Шу туфайли ҳам бозор пештахталарида қўлда сўйилган мол, қўй гўшти кўпайди.

Бироқ, уларнинг қандай ҳолатда сўйилгани мавҳум бўлиб қолмаслиги учун шахсларга тегишли чорвани сўйишни марказлаштириш мақсадида қушхона очилди. Унда зарур санитария-гигиена шароити яратилди, ветеранария врачлари назорати йўлга қўйилди. Бу эса оила рўзғорининг боши ҳисобланган гўшт маҳсулотлари сифатли сўйилишини таъминлади.

**Собир ҲАМИДОВ.**

### КЎМАКДОШ ҲАЙДОВЧИЛАР

Шу кунларда «Вилоятюктранс» концернига қарашли 530 нафар ҳайдовчи ҳам ўзларини ғаллакор деб билмоқдалар. Улар туманларнинг бепоён далаларида етиштирилган ҳосилни пешма-пеш омборларга етказиб беришда деҳқонларга кўмаклашмоқдалар.

Қуйичирчиқ туманида концерннинг 121 та, Оҳангарон туманида 65 та, Паркент туманида 85 та, Юқоричирчиқ туманида 55 та машинаси ўрим-йиғимга жалб этилган.

Мавсумнинг катта хирмонини уйишда Чирчиқ, Бекобод автокорхоналари муносиб улуш қўшаётирлар.

## ЎЗБЕКИСТОН — ФИФА КОНГРЕССИДА

***Цюрих шаҳрида халқаро футбол федерацияси (ФИФА)нинг 50-юбилей конгресси бўлди. Унда 176 мамлакатдан вакиллар иштирок этди. Бундай нуфузли йиғинда илк бор мамлакатимиз вакили — Ўзбекистон футбол федерацияси бош котиби Зокир Қурбонов ҳам қатнашди.***

— Конгресс байрамона, айни пайтда ишчанлик вазиятида ўтди, — деб ҳикоя қилади у. — Футбол уфқлари тобора кенгайиб бормоқда, янги-янги мамлакатлар турли нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиш истаги билан яшаяпти. Футболни ривожлантиришга катта эътибор бераётган Ўзбекистон ҳам улар сафидан ўз ўрнини эгаллашга ҳаракат қилмоқда.

Футбол бўйича жаҳон чемпионатларининг ҳал қилувчи ўйинларида дастлаб 16, кейинчалик 24 команда иштирок этган эди. 1998 йилда бўладиган жаҳон чемпионатининг финал ўйинларида эса 32 команда чемпионлик унвонини қўлга киритиш учун майдонга тушади.

Конгрессда ФИФА раҳбариятининг янги таркиби сайланди. Жаҳонда футболнинг оммалашуви ва ривожланиши учун катта ҳисса қўшган Жоао Авеланж яна қайтадан ФИФА президенти этиб сайланди.

Конгрессда Океания мамлакатлари футбол конфедерациясини тузиш билан боғлиқ ташкилий масалалар ҳам ҳал этилди.

**(ЎзА).**

*Ҳосил-96* **Тезкор матбуот гуруҳи хабар беради:**

**ТЕЛЕФОНЛАР: 33-64-95, 33-70-10, 33-90-82, 39-12-93** *Ҳосил-96*

## ҒАЛЛАКОРЛАР ШИЖОАТИ

### ТЎЙТЕПА

Туман ғаллакорлари уйган хирмон 22 минг тоннадан ошиб кетди ва давлат буюртмаси барвақт адо этилди. Ҳар гектаридан олинган ҳосилдорлик салкам 30 центнерга етди.

Ғаллазорларда кузги ва баҳорги парвариш ишларини юксак агротехника талаблари асосида олиб борган кўпгина жамоа хўжаликлари ҳосилдорликни оширишга эришдилар. «Роватак» жамоа хўжалигида ҳар гектаридан 39 центнердан, «Навоий»ликлар 38 центнердан, «Истиқбол», «Ҳақиқат» жамоа хўжаликларида эса 37-33 центнердан хирмон кўтарилди. 55-60 центнерчи ғаллакорлар сафи кенгайди. «Роватак» жамоа хўжалигидан Файзулла Мансуров, Ғойиб Абдураҳимов, Искандар Ёқубовларнинг жамоалари, айниқса, юқори кўрсаттичга эришдилар.

Бу йил туман ғаллазорларида хориждан келтирилган тўртта «Кейс» комбайни ишлади ва уларнинг ёрдамида 400 гектар майдондаги ғалла ўриб-йиғиб, янчилди. Жамол Қурбонов, ака-ука Элдор ва Фарид Галиевларнинг ҳар бири 200 гектардан ортиқ майдондаги ғаллани ўриб бердилар.

Туманда ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда.

### ҚИБРАЙ

Туманда бу йил салкам 3 минг гектарда ғалла етиштирилди. Деҳқонлар асосий майдонларга эрта кузда сифатли уруғ сепиб, ундириб олган эдилар. Шунинг учун ҳам ҳосил мўл бўлди.

Ўрим-йиғимни пухта тайёргарлик билан бошлаган қибрайликлар мавжуд комбайнларнинг тўла қувват билан ишлашини таъминладилар. Ўрим мавсуми жараёнида ғаллакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, уларнинг меҳнатига рағбатлантирилган ҳақ тўлашга катта эътибор берилди. Ўрим суръати кундан-кун кучайди. Натижада 11 июлда туман деҳқонлари 5800 тонна сара дон топшириб, режани муваффақиятли бажардилар. Ўртача ҳосилдорлик 35 центнерга айланмоқда. «Бўри ота», «Маданият», «Байтқўрғон», Т. Нормуҳамедов номли, «Қизил шалола» хўжаликларида 40—42 центнердан ҳосил олинди.

Қибрайликлар яна 700 тонна ғалла топшириб, хирмон салмоғини 6500 тоннага етказишга аҳд қилдилар.

### ОҚҚЎРҒОН

Пахта етиштиришда ҳамиша илғор бўлиб келган туман деҳқонлари ғалла етиштиришнинг ҳам ҳаддини олганликлари улар эришган натижалардан кўриниб турибди. 7949 гектар майдондан олинган ўртача ҳосилдорлик 40 центнерга тўғри келмоқда. Оққўрғонликлар ҳозиргача 16000 тонна ғалла топшириб, давлат буюртмасини бажарганликларини маълум қилдилар.

Далаларда 50 га яқин комбайн ишлади. Комбайнчиларга ўз вақтида ҳақ тўлаб турилганлиги, техника хизмати яхши йўлга қўйилганлиги, далада ишлаётганларнинг иссиқ-совуғидан ўз вақтида хабар олиб турилганлиги учун техникалар унумли ишлади.

Оққўрғонликлар жами ҳосилни 27 минг тоннага етказиш учун ўрим-йиғимни давом эттирмоқдалар.

*Бу нигоҳларда етиштирилган ғалла ҳосилидан ифтихор туйғуси бор. Ҳа, улар — Юқоричирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ғаллакорлари ҳар қанча фахрланишса арзийди. Хўжалик йиллик режани туманда биринчи бўлиб адо этди. Ҳар гектар майдондан 42 центнердан ҳосил олинди.*

*Суратда: хўжаликнинг 8-бригадаси ижарачиси Одилбек Ҳолжигитов, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси Асқар Ўтамалиев, бригада бошлиғи Нишон Туранқуловлар ғалла ўрилаётган майдонда.*

**Равил ШАМСИДДИНОВ олган сурат.**



### КЕТМА-КЕТ БАЖАРИШДИ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ тумани ғаллакорлари ҳам биринкетин зафарли марраға эришмоқдалар. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ғаллакорлари давлатга 673 тонна маҳсулот топшириб, яқинда йиллик режани адо этган эдилар. 3800 тонналик хирмон яратиш учун астойдил меҳнат қилаётган «Гулистон» халқ корпорацияси меҳнаткашлари ҳамда 293 гектар майдондан 1200 тоннадан кўпроқ дон олишга бел боғлаган «Юқоричирчиқ» деҳқон-фермер хўжалиги миришкорлари омборларга 2020, 638 тоннадан зиёд дон тўкиб, давлатга маҳсулот сотиш бўйича йиллик режаларини бажардилар.

«Гулистон» халқ корпорациясида шу кунгача ҳар гектар майдондан ўриб олинган ўртача ҳосилдорлик 45, қолган икки хўжаликда эса 42 центнерданни ташкил этди. Корпорациянинг Шавкат Зокиров, Раҳимбой Унеров, Пирмат Абдухолиқов каби бригадалари туман бўйича ғолибликни қўлга киритиб, турли совғалар билан тақдирландилар.

**Ҳ. САИДВАЛИЕВ.**

